

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МУДОФАА
ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ
ОРГАНИ

● 2004 йил, 29 январь, пайшанба № 12 (1900).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
● Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ
ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКISTAN

● Четверг, 29 января, 2004 г. № 12 (1900).
Газета издается с 24 июня 1992 г.
● В розницу — цена свободная.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИНИНГ Ф А Р М О Н И

**С. Т. ИНОМОВАНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
БОШ ВАЗИРИНИНГ УРИНБОСАРИ — ЎЗБЕКISTON
ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚУМИТАСИНИНГ РАИСИ ЭТИБ
ТАЙИНЛАШ ТУҒРИСИДА**

Светлана Турсуновна Иномова Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
ўринбосари — Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб тайинланган.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 28 январь.

Ишонч ёрлиғи топширилди

28 январь кuni Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президенти Илом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавкулотда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Жон Роберт Пурнелл ишонч ёрлиғини топширди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Томонлар Президент Илом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга расмий таширифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ бар-

ча соҳаларда алоқаларни ривожлантириб келмоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг, айниқса, халқаро террорчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Бу йўналишдаги ҳамкорлик ҳарбий ва ҳарбий-техникавий алоқаларни кенгайтиришга ҳам хизмат қилмоқда.

АҚШ маъмурияти ва қонун чиқарувчи олий органлари Ўзбекистонни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятларни ишга солишга қарор қилган. Ўзбекистонда бу юксак кадрланади. Мамлакатларимиз бозор

ислохотлари ва демократияни мустаҳкамлашда ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президент Илом Каримов элчи билан суҳбат чоғида Ўзбекистон — АҚШ муносабатларига доир қатор масалалар, халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашди. Ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди ва Ж. Пурнеллга дипломатик фаолиятида муваффақият тилади.

АҚШ элчиси ўзaro алоқалар жуда яхши ривожланиб келаётганини мамнуният билан таъкидлар экан, хайрли ишларнинг давомчиси бўлиш ўзи учун катта шараф эканлигини қайд этди.

(ЎЗА).

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ Қ А Р О Р И

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТУҒРИСИДА

Мамлакатимизда 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, жамиятимизда аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик мухитини мустаҳкамлаш, юртдошларимиз, аввало, ёшларимиз онги ва тафаккурда юксак инсоний фазилатларни камол топтириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, хусусан, кам таъминланган тоифа ва oilаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. «Меҳр ва мурувват йили» дастури тасдиқлансин. Дастурда белгиланган чора-тадбирлар:

— давлат идоралари ва жамоат ташкилотларининг маблағ ва имкониятларини, корхона ва ташкилотлар, ширкат ва фермер хўжаликлари, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳомийлик ёрдамларини кам таъминланган oilалар, ногиронларни, боқувчисидан жудо бўлган фуқаролар ва ёлғиз кексаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун жалб этишга;

— жамият ҳаётининг асосий бўғини бўлган oilа тизимини мустаҳкамлаш, oilалик ва бoлaликни, инсон ҳаёти ва манфаатларини ҳимоялаш, мавжуд ижтимоий

муаммоларни ҳал этиш, жумладан, янги иш ўринларини яратиш, аҳолига тиббий, савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича аниқ режаларни амалга оширишга;

— юртдошларимизни меҳрибонлик ва эзгулик руҳида тарбиялаш, замон талабларига жавоб берадиган қадимий анъана ва қадриятларимизни ҳаётимизга янада чуқурроқ синдириш, бундай иштиш ва ҳаракатларни оммавий ахборот воситалари, жойлардаги маънавий-маърифий тадбирлар орқали кенг тарғиб қилишга йўналтирилгани маъқуллансин.

2. «Меҳр ва мурувват йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва талаб даражасида бажарилишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташки-

лотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорағида, тегишли идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Меҳр ва мурувват йили» дастурининг бажарилишини муҳокама қилиб, зарур чора-тадбирлар кўриб бorsин;

йилнинг ҳар чорағи якунлари бўйича дастур топшириқларининг бажарилиши натижалари тўғрисидаги тахлилий маълумотни кейинги ойнинг 7-кунигача республика комиссиясига тақдим этсин.

4. Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига аҳоли ўртасида «Меҳр ва мурувват йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг моҳияти ва аҳамиятини очиб бериш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2004 йил 27 январь.

В МИНИСТЕРСТВЕ ОБОРОНЫ ЗАСЕДАНИЕ ВОЕННОЙ КОЛЛЕГИИ

28 января 2004 года состоялось заседание Военной коллегии Министерства обороны Республики Узбекистан. На заседании были обсуждены задачи местных органов военного управления по реализации положений Закона Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и приняты соответствующие решения по данным вопросам.

Соб. инф.

«ЭНГ ИЛГОР СЕРЖАНТ»

КАМТАР ЙИГИТ КАМОЛИ

Ватан улуглиги, уни асраш муқаддас бурч эканлиги ҳақида кўп гапираимиз, мақолалар ёзамиз, шеърлар битамиз. Аслида турғилиб ўсган замининг меҳр, элигга бўлган муҳаббатни сўз билан юзага чиқариш қийин. Чунки қалбнинг тубидан, томирларингдан, хуллас вужудингдан жой эгаллаган бу эзгулик таърифи фақат фидойиликдагина намоён бўлади.



Мустақил юртимизнинг Миллий армияси сафида хизмат қилиш истаги бугун йигитларимизда устувор орзулардан бирига айланган. Айниқса, муддатли хизматдан сўнг шартнома асосида хизматини давом эттироқчи бўлган ўғлонлар кўпчиликини ташкил этади. Профессонал армия сафида бўлиш, юрт ҳимоясига интилишнинг ўзи эса Ватанга бўлган муҳаббатнинг — фидойиликнинг бир кўринишидир.

Мақоламиз қаҳрамони, исми нафақат жисмига, балки хизматига ҳам монанд кичик сержант Ботир Деҳқонов шартнома асосида хизматини давом эттираётганига етти йил бўлапти. Биз бу санани бежиз келтирмадик. Чунки шу йиллар давомида унинг ота-онаси Мирзабек ана ва Ойсалқин

опалар ўғилларининг намунали хизмати учун унинг командирлари номидан етти мартаба мишнатдорчилик мактуби олдилар. Бу Ботирнинг ўз хизмат бурчига илк даврлардан оқ ўта масъулият билан ёндошгандан далолат. Шу билан бирга, унинг сафдошларига ўрнаниб, бўлувчи хизмати Ватан ҳимоячилари кунин олтидан яна бир бора ўз эътирофини топди. Яъни, Ватан ҳимоячилари кунин ва Қуролли Кучларимизнинг 12 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилган икки босқичдан иборат «Қуролли Кучларнинг энг илғор мутахассиси» мусобақасида иштирок этиб, «Энг илғор сержант» номи-

(Давоми 2-бетда).

Ишонч телефони

Ҳарбий хизматга қизиқасизми, ҳарбий фаолият тўғрисида тўлиқроқ маълумотга эга бўлишни истайсизми, ҳарбий фаолиятга оид Қонун ва Низомлар борасида саволларингиз борми, ҳарбий хизматнинг қандай турлари мавжудлигини яхшироқ билимоқчимсиз, ҳарбий бўлишнинг йўл-йўриқларидан хабардор бўлишни истайсизми?

Ҳарбийлар — муддатли хизматчилар, шартнома бўйича хизмат қилаётганлар, офицерлар қандай ҳуқуқ, имтиёزلарга эга? Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilа аъзолари қандай ижтимоий ҳимоя қилинади?

Ушшоқлик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, ҳарбий қисм ва муассасаларда салбий ҳолатларни олдини олиш мақсадида ва юқорида қайд этилган масалалар юзасидан саволларингиз ва таклифларингиз бўлса ҳар кун 9.00 дан 19.00 гача Мудофаа вазирлигидаги қуйидаги «Ишонч телефони»ларига қўнғироқ қилишингиз мумкин: 169-82-08, 169-82-00 (Тарбиявий ишлар бош бошқармаси), 169-86-82 (Мудофаа вазирлиги юридик хизмати).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕХР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТУҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА

ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йилгида Президентимиз Имом Каримов томонидан 2004 йил мамлакатимизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди ҳамда бу борадаги асосий ҳақда ва вазифалар белгилаб берилди.

Юртбошимиз Фармоиши билан тузилган «Меҳр ва мурувват йили» дастурини тайёрлаш бўйича республика комиссияси йил давомида амалга оширилган зарур бўлган ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тадбирларнинг комплекс дастурини шундай қилиб.

Ушбу дастур аввалги йилларда қабул қилинган «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод», «Она ва болалар», «Қарияларни қадрлаш йили» ва «Обод маҳалла йили» дастурларининг маънавий давомидир.

Унинг асосий маъно-мазмунини халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар ва замонавий демократик тамойилларга таянган ҳолда, давлат ва жамиятнинг инсонга бўлган муносабат ва эътиборини янада кучайтиришдан иборат.

Дастур устувор масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган кўйидаги чора-тадбирларни ўз ичига олади:

аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, муҳтож бўлган, кам таъминланган тоифалар, оила ва инсонларга кўмак бериш, бу борадаги ҳуқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш; ногиронларга, қаровчисиз қолган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга, ёлғиз кексаларга ёрдам ва кўмак бериш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг меҳр ва мурувват йўналиши бўйича фаолияти ва масъулиятини кучайтириш;

оила тизимини мустаҳкамлаш, оналик ва боалиқни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни меҳрибонлик ва мурувват руҳида тарбиялаш.

Меҳр ва мурувват деган улуг тушунчаларнинг турли маъносини кенг тунтириш, юртимиздаги ҳар қайси хонадон, ҳар қайси маҳалла, шаҳар ва қишлоқда маънавий-руҳий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, оилани, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ибратли анъана ва эрф-одафларнинг тарғиб ва урф-одафларини ҳам дастурнинг мақсадига киратиш.

«Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида:

умумтаълим мактабларининг 616,5 минг нафар 1-синф ўқувчиларини бепул дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, шунингдек, махсус мактаб-интернатлар, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларини, кам таъ-

минланган оилаларнинг 2-9 синф ўқувчи-фарзандларини бепул дарсликлар билан таъминлаш ва шу мақсадда кутубхона фондларини тўлдирishта ажратилаётган маблағларни 1,5 баробар кўпайтириш;

соғломлаштириш оромгоҳларида 170 минг нафар бола, шу жумладан, кам таъминланган оилалар фарзандларининг бепул дам олишини таъминлаш;

кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларини бюджет ҳисобидан киши кийим-бош билан бепул таъминлашни кучайтириш мақсадида ажратилаётган маблағлар миқдорини 1,2 мартага кўпайтириш;

республикадаги 93 та «Меҳрибонлик» уйлари ва махсус мактаб-интернатлар биноларини, 46 та «Мурувват» ва «Саховат» уйлари ҳамда «Саховат» таъминот муассасаларини капитал таъмирдан чиқариш;

санаторийлар, шифохоналарда 32 минг нафар пенсионер, уруш ва меҳнат фаришлари саломатлигини тиклаш;

чекка қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий-ижтимоий патронаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш сингари қатор амалий тадбирлар белгиланган.

Дастурни амалга оширишнинг умумий харажатлари 354 миллиард сўм, шу жумладан 250 миллиард сўм Давлат бюджетининг 2004 йилга мўлжалланган маблағларидан иборат.

Дастурда Қорақалпоғистон Республикаси, Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан муайян ҳудудга хос бўлган муаммолар ва имкониятлардан келиб чиқиб амалга оширилиши нўзда тутилган, эътиборга лойиқ ишлар ҳам ўз аксини топган.

Мазкур тадбирлар юртимизда бағрикенглик, ўзаро меҳр-оқибатлик, фуқаролараро тотувлик, турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришга, ёшларимизни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади.

Бу эса янги ҳаёт, янги жамият барпо этили йўлидаги маъсад ва интилишларимизни рўйга чиқариш учун муҳим омил бўлади, изчил амалга ошириладиган ижобий ишларимизни янги босқичга ўтатириш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, дастур замирида жамиятимизда ҳеч қачон ўзини ёлғиз сезмаслиги, ҳеч қачон эътибордан четда қолмаслиги керак, деган эзгу ғоя мужассамдир.

ПО ПРИМЕРУ БРАТЬЕВ

В подразделении воинов-артиллеристов, где заместителем командира по воспитательной работе старший лейтенант Бобур Журакулов, из прибывших прошлой осенью новобранцев хорошо проявляет себя рядовой Акмал Содиқов, подавая пример товарищам.

Парень из Паркентского тумана столичного вилоята до службы в армии закончил автодорожный колледж. По словам Акмала, трое его старших братьев в свое время образцово отслужили в Вооруженных Силах. Поэтому ему очень хотелось семейную традицию.

И уже первые месяцы ратной службы рядового

Акмала Содиқова красноречиво подтвердили — солдатское слово с делом не разошлось. Заблаговременная моральная и физическая подготовка дали свои плоды — после преодоления первых трудностей на пути освоения воинской профессии артиллериста пришли ко вчерашнему новобранцу и первые успехи.

Их достижение во многом было предопределено радужным новобранцем в части. Строгое, но вместе с тем добросовестное отношение командиров настроило и Акмала неустойно трудиться над собой. И этот труд начал давать желанные результаты.

Майор А. НУРОВ.

КАМТАР ЙИГИТ КАМОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда). нацияси бўйича учинчи ўринга сазовор бўлди.

Бу тазовор иштирокчилар учун осон кечмади, албатта. Ўз касбининг, профессионаллари, яъни сараланганларнинг сардорларини юзага чиқарди. Танлов ғолиблари касбий маҳоратларидан тортиб интеллектуал салоҳиятларига қадар сафдошларидан устун эканликларини намоён қилди. Бу борада шартнома бўйича кичик сержант Ботир Деҳқоновга ҳам омад кулиб боқгани бежиз эмас. Ўзи таъминлаганидек, у энг аввало яхши устоз кўрган.

— Мен эришадиган ҳар бир ютуғимда хизматдаги биринчи устозим натта лейтенант Маҳмуджон Жаалиевнинг ўғит ва сабоқларини ҳис қилиб тураман. Бу инсон менга нафақат ҳарб илмидан, балки одамийлик илмидан ҳам сабоқ берган эди, — дейди Ботиржон устозини хотирида. — Минг афсуски, II даражали «Шон-

шараф» ордени нишондори бўлган бу жасур офицер халқаро террорчилар билан бўлган жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Устозимнинг ҳатто ёрқин хотириши ҳам мени доим интилишга, жасоратта чорлаб туради. Кейинги навбатда батальон командиримиз майор Алишер Саидов, взвод командиримиз натта лейтенант Абдулхамид Тожиёвларнинг хизматдаги ёрдам ва таянчларини айтиб ўтишни истардим. Шунингдек, меннинг эришган бу муваффақиятим аввало жамоамиз муваффақиятидир. Чунки хизматдаги ҳар бир фаолиятимда сафдошларимга суянаман, улардан маслаҳатлар оламан, билмаганларимни ўрганаман. Демократикманки, мени қўллаб-қувватлаб турган ҳарбий жамоамдан миннатдорман.

Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ботир Деҳқонов Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг ўн ик-

ки йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтган тантанада танлов ғолиблари сафида диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди. Унинг фидойи хизмати ўз ўрнида қадрланди. Ҳа, камтарга камол, деб шунинг айтадиларда.

Камтарин, ўз касбининг профессионали бўлган қаҳрамонимиз гўзал Андиқоннинг Хонободида вояга етган. Оялада ягона ўғил бўлган посбоннинг хизматдаги ютуқларидан ота-онасининг ҳам боши осмонда. Уларнинг шу кунлардаги оралиқ, халқимиз ибораси билан айтганда, Ботиржоннинг бошини икки қилиб, оила аталмиш улус даргоҳга ҳам сардор қилиш. Бу эзгу ниятга биз ҳам қўшилмиш. Илғор йигитнинг хизматдаги, ҳаётдаги янада юксак ютуқлари ҳали олдинда.

Зулфия ЮНУСОВА, «Ватанпарвар» мухбири.



Шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ваҳобжон Солиев ўз вазифаларини аъло баҳоларга бажариб келмоқда. У ҳар бир жанговар-ўқув машғулотларида қисқа муддат ичида командир ва гуруҳ, бўлима мурад билан алоқа ўрнатади. Шунинг учун ҳам аскарлар офицер буйруғини ўз вақтида қабул қилади ва бажаради.

Қишки ўқув мавсуми бошланганидан бунинг кичик сержант В. Солиев ҳамма машғулотлардан фақат аъло баҳолар олиб келмоқда. Сурада: шартнома бўйича кичик сержант Ваҳобжон Солиев.

Александр МРУЧАК олган сурат.

БУРЧ ҲИССИ

... Машғулот режасига асосан, лейтенант Содиқ Жаҳоборов етакчилигидаги гуруҳи посбонлари мудофаа чизиғини эгаллашлари, шартли душман кучларига муносиб зарба беришлари лозим. Буйруқда кўра, посбонлар дарров белгиланган марраларни эгаллашди. Бошқарув пунктидан бўладиган буйруқларга шай ҳолда туришди. Ниҳоят, «жанг» майдонига шартли душманнинг пидедалари кириб келди. Пулемётчи посбон оддий аскар Бахтиёр Мирзаевга «ўт оч!» буйруғи берилди.

Харакатланувчи нишон — шартли душман пидедалари пулемётдан ёғиладиган ўқлардан қулади. Оддий аскар Мирзаев жанговар вазифани аъло даражада бажарибди. «Жанг»дан сўнг қисм командири подполковник Баҳодир Азимов аълочилар қаторида оддий аскар Бахтиёр Мирзаевга ҳам миннатдорчилик билдирди.

Посбоннинг ҳарбий ҳаётида эса қанчалар бундай воқеалар кўп. Бу ҳақда сўз очганимизда, у гапни Ватан ҳимоячилари кунига бурди.

— Мен икки бора бу умумхалқ байрамини армияда кутиб олдим. Таъкидлашим лозимки, йилдан-йилга маз-

кур байрамнинг моҳияти янада бойиб бормоқда. Ана шу кутлуг сана сабабли мени шу кунга ва халқнинг яқдрилигини теран ҳис қилдим. Бу байрамда жамоамизга ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари келишди. Биз билан суҳбатлар ўтказишди, — деди, жумладан у.

— Биласизми, нега 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини, деб эълон қилинган, — сўрайман посбондан шу мавзуда гап очганин учун.

— 1992 йилнинг 14 январидан Олий Кенгаш қарорини билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм, муассасалар ўз тасарруфимизга олинди. 1993 йилнинг 29 декабрида эса 14 январини Ватан ҳимоячилари кунини, деб эълон қилиш тўғрисида Қонуни қабул қилинди. Шу тариқа мазкур сана Қуролли Кучларимиз ташкил топган кун сифатида нишонланиб келинмоқда.

Аскар йигитнинг саволга бундай аниқ ва савофил жавоб бериши бир оз ҳайратини оқирди. Бу бежиз эмас экин. Суриштириб билсам, Бахтиёр Наманган давлат педагогика университетининг тарих факультети

сиртқи бўлимида таҳсил оларкан.

— Бўлғуси тарихчи жангсиз, саркардаларимиз ҳаёти билан қизиқасизми? — дея сўрайман ундан.

— Албатта. Айниқса, армияга келгач, ижтимоий-сиёсий тайёргарликларда бу борада кўп сабоқлар олдим. Адабиётлардан Жалолиддин Манғуберди, Амр Темури киб буюк саркарда болларининг жонг усулларини, ҳарб илминин ўргандим. Билганларимни сафдошларимга ҳам айтиб берайман, — деди йигит.

Оддий аскар Бахтиёр Мирзаев Наманганнинг Янгиқўрғон туманидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилган. Ҳадемай, яъни баҳорда захирага бўшайди. Йигитлик мактабидан вақтнинг беҳудага совурмади, ўғлини, Ватан ҳимояси йўлида бурчини ҳалол, виждонан ўтаб, бир неча бора рағбатларга муносиб топилди.

Бурч ҳисси кўпинча одамни ўз мажбуриятларига боғлаб туради. Бурч ҳисси майда манфаатлардан устун бўлишга чорлайди. Юрагида ана шу ҳис уйғоқ юракликка кўтарилади. Бу лавҳали қаҳрамонига ҳам тағшилим.

Капитан Алижон САФАРОВ, «Ватанпарвар» мухбири.

3 ФЕВРАЛЯ

6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00, 20.30 «Ахборот» 8.40 Газеталар шарҳи. 9.00 «Правда о пшаджа»...

21.25 Голос молодежи. 21.45 Золотое наследие. 22.45 «Янги ой чиккан кеча»...

21.00 Время. 21.30 «Следующий». 22.30 Тайны века. «Последний полет Валерия Чкалова»...

6.00 Утро на НТВ. 8.55 Остроконечный сериал «Я все решу сама»...

8 ФЕВРАЛЯ 6.00 «Ассалом, Узбекистон!» 8.00 «Ахборот» 8.40 «Камалат»...

17.20 «Экран-детям». 17.45 «Табриклиймиз - кутлаймиз» 17.55 «Луиза Фернандес»...

17.20 «Экран-детям». 17.45 «Табриклиймиз - кутлаймиз» 17.55 «Луиза Фернандес»...

1.30 «Крокодил». 3.30 «В огне». 4.00 «Морские истории». 6.15 «Голубое дерево»...


1.30 «Крокодил». 3.30 «В огне». 4.00 «Морские истории». 6.15 «Голубое дерево»...

6.40 Ночной музыкальный фильм. 6.50 «История о привидении»...

ҲАР КИМ ВА ҲАММА УЧУН - ДЛА ВСЕХ И КАЖДОГО

ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ ТАРИХИДАН

Ҳарбий авиациянинг ривожланиш тарихи ҳам қарийб бир асрга яқинлашиб қолган. Қадимда Хитой ва бошқа баъзи мамлакатларда ҳарбий мақсадларда варракдан фойдаланилган. Ҳарбий авиация ҳар қайси мамлакатда турли вақтларда ривожлана бошлаган.



1910 йилда Францияда биринчи марта самолётлар ҳарбий манёврда иштирок этиб, разведка вазифаларини бажарган. 1911-12 йилларда Триполитания жангида (Италия билан Туркия ўртасида бўлган урушда) ҳарбий авиация биринчи синовдан ўтди. Шундан сўнг 1913 йилдаги Болқон урушида ҳам ундан фойдаланилди. Худди шу йили «Илья Муромец» самолётига 4 та пулемёт ва бомба ташлаш учун махсус асбоблар ўрнатилди. Уша йили бомба ташлаш тажрибаси асосида янги фан

тезлиги разведка самолётлариникидан анча юқори бўлган.

1915 йилда махсус бомбардимончи самолётлар ихтиро қилинади. Худди уша пайтларда денгиз самолётлари ҳам яратилиб, улар денгизда разведка қилиш, душман кемаларига, объектларга бомба ташлаш вазифасини бажарди. Ўз устида 5-7 та самолётни олиб юра оладиган авианосецлар пайдо бўлди. 1-жаҳон урушидан кейин авиация алоҳида ва мустакил кўшни турига айланди. 1- ва 2-жаҳон урушлари ўртасида авиация соҳасида катта силжиш бўлди. 1920 йилда Россияда қуввати 200 от кучига тенг двигателли самолёт яратилди. 30-йиллар бошида А. Н. Туполев ТБ-1 ва ТБ-3 маркали оғир бомбардимончи самолётларни, 1935 йилда эса узун қанотли бир моторли ЦАГИ-25 самолётини яратди. Бу самолётда Москвадан Шимолий қутб орқали Америкагача қўнмасдан учиб ўтилди.

(Давоми бор).

● ТЕСТ

Камчиликни фазилатларга айлантирамиз



Даволовчи воситалар таркибига заҳарли моддалар ҳам киришини унутмаслик керак. Ҳар қандай инсонга: «Зиқна, айёр, хасис бўлган яхшими?» деган саволни берсангиз, рад жавобини эштангиз. Албатта, булар инсондаги салбий фазилатлар. Лекин халқ оғзаки ижодида мурожаат қиладиган бўлсан, Хўжа Насриддиннинг ажойиб қобилияти — айёрлиги уни халқ орасида машҳур бўлишига халақит бермади. Халқ уни қадрларди, севарди, керак бўлганда, маслаҳатларидан фойдаланарди. Деярли барча халқларда яқовлик ва шунга ўхшаш камчиликлар қораланади. Аммо маълум бир шароитда бу камчиликларни йўқотиш мумкин. Масалан, «Айёрлик — иккинчи ақл» эканлиги ҳаммага маълум. Айёрни алдай олмайсан, Шундай инсонлар борки, улар учун иложсиз ҳолатнинг ўзи йўқ. Айёр инсон ўз мақсадига эришишнинг минг хил йўлини билди. Сиз-чи? Буни аниқлаш учун қуйидаги тест саволларига жавоб беришигиз кифоя.

сездирмасдан секин киришга ҳаранат қиласизми?

3. Ўзингиз бажаришдан кўрақидиган юмушни дўстнингиз бажариб беришини сўрайсизми?

4. Ўйинларда ноҳақ ютгандан кўра, ҳақли равишда ютқанишни афзал биласизми?

5. Нимнингдир устидан қулмоқчи бўлсангиз, уша инсон бу ишни ким қилганини дарров ташнадингиз?

6. Суҳбатдошингиз ҳақиқатни айтиши учун ёлгон гап айтишингиз мумкинми?

7. Мактабда партадошингиздан сездирмай ёзма иш ёни ишончи кўчира олганмисиз?

8. Сиз хоҳлаётган нарсангизни олиш учун доимо йўл топа оласизми?

9. Ҳеч кимга сездирмай айёрлик қила оласизми?

1. Кўнгилсиз нарсга ҳақида гапиршига тўғри келса, суҳбатдошингизнинг кўнгли рақибини мумкинлигини ўйлайсизми?

2. Уқиш ёни ишга кеч қолганингизда, ўзингизни

2, 3, 5, 6, 7, 8, 9 — саволлардаги ижобий жавоб ва 1, 4 — саволларга рад жавоби учун бир балдан ҳисоблашигиз мумкин.

Агар сиз 6 балдан кўпроқ йиққан бўлсангиз, сиз оддий айёр эмассиз. Сиз ўзгача айёрсиз. Сиз эришишигиз мумкин бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Лекин бунинг бир салбий томони бор. Айёрлик инсонлар билан мулоқотда кўпинча ёлгон гапиршига олиб келади. Бир оз очиниқил бўлганингиз маъкул.

3 дан 6 баллгача — шубҳасиз, сиз ақллисиз. Сизни ҳеч ким алдай олмади. Сиз ҳам ўз навбатида ёлгон гапиршини ёқтирмайсиз. Бу фазилатингиз ёрдамида инсонларга яқинлашишигиз мумкин.

Агар 3 балдан кам бўлса, сиз жуда ишонувчансиз ва сизни алдай кетиш осон. Сиз одатда бўлашиб юрасиз. Бу билан сиз ўзгаларга ҳаил қилиш имконини берасиз.

Мураккаб вазиятларда яхшироқ яшаш учун габроволиклар тажрибасига мурожаат қилиш керак. Буларнинг бари латифа, ҳажвия бўлганига қарамай, ҳақиқат томчиларидан баҳра олса бўлади. Балки шу томчилардан адолат кўли тўлиб қолар.

А. САЛИҲОВА тайёрлаган.

● БУ ҚИЗИҚ!

АСАЛАРИ — САПЕРЛАР



Америкалик биолог олимлар Африка ва Жапуний Америка ариларининг чагишуви натижасида дунёга келган африкалаштирилган асаларилар мина бор жойларни топишда жуда сезгир эканлигини аниқладилар. Бундай асаларилар ҳар қандай портловчи моддаларнинг изларини тола оладилар ва бу борада мушоҳадакорлиги ва дадиллиги билан одамлардан ўзиб кетадилар.

Ҳарбий мутахассисларнинг таъкидлашларича, асалариларнинг бу насли шу қадар кучлики, энг кичик қанотли ҳашарот ҳам ўзида микрокомпьютер вазифасини ўтай олар экан. Бир қанча асалари уялари ҳозирда «манипулятор ўтказишпоти». Бу «манипуляторлар» Осн мамлакатларидан бирида кечмоқда. «Мутахассислар аса-

лариларга ўрнатилган компьютер мосламалари узатаётган радиосигналларни қабул қилиб олиб, уларнинг ҳозир бўлган жойларини аниқлашмоқда ва миналарни зарарсизлантириш учун ўша ёнқа жўпатмоқдалар. — дейди тадқиқотчи олим Жерри Броумшенк. — Асалари сапёрлар минглаб одамлар ҳаётини сақлаб қолишлари мумкин».

УЧИНЧИ МАРОТАБА

Инсон дунёга келганидан маълум вақт ўтгач, унинг сўт тишлари, кейинчалик 14 ёшига қадар уларнинг ўрнида доимий тишлар чиқади. Доимий тишлар унинг умри охиригача хизмат қилади.

Лекин киши 100 ёшга яқинлашган пайтда, учинчи марта ҳам тишлари чиқиши мумкин экан. Хитойлик Нгуенг Коунг Ду юз ёшга яқинлашганда тишсизликдан қийналиб, кўпгина таомларни ея олмаган.

Буни қарангки, отахоннинг оғзида бирин-кетин оппоқ тишлар чиқа бошлади. Чол хурсанд! Ҳамма ҳайрон. Шифокорларнинг таъкидлашига қараганда, бундай ҳол фақат соғлом одамлардагина кузатилади эмиш.

Нгуенг Коунгга худо умр берсин, энди унда овқат чайнашда ҳеч қандай муаммо йўқ. Бундай тишлар билан энди қария энг «чайнашли» овқатларга ҳам қўл урса бўлавереди.

● ПЕСТРЫН МИР ЗАПУТАЛАСЬ ОТ СЧАСТЬЯ

Не думала не гадала будущая мама из американского города Леджвуда (штат Нью-Джерси), что не рожденный еще ребенок озабочится благосостоянием семьи. Но именно так и вышло. 34-летняя Валери Нохансен решила провести вечер пятницы в казино в Атлантик-Сити. Проиграв около 50 долларов «однорукому бандиту», женщина решила, что пора остановиться. Но в этот момент ребенок, до этого совершенно спокойный, вдруг начал активно толкаться. Валери истолковала поведение будущего чада как просьбу остаться и сыграть еще. На четвертом круге Нохансен внезапно услышала звуки брауэрной музыки, которая оповещает игрока о крупном выигрыше. В первый момент Валери даже не смогла правильно сосчитать нули в сумме и подумала, что выиграла четыре тысячи долларов. Но какая-то женщина, глянув на экран, ахнула: «Четыре миллиона!».

Если точно, то выигрыш составил 4434930 долларов. Валери решила не брать всю сумму сразу, так как налог на нее оказался бы просто грабительским, а получить выигрыш выплатами по 220 тысяч долларов ежегодно в течение 20 лет.

Подготовил Б. САНДОВ.

● МИР ВОКРУГ НАС СНЕЖНАЯ МАКАКА

Существует или нет «снежный человек» — вопрос спорный. Что же касается снежной обезьяны, то в природе есть такое животное. Это японская макака — симпатичное существо с длинной шерстью, весящее от 11 до 18 килограммов. Почти тридцать тысяч японских макак проживают на острове Хоккайдо. В январе здесь средняя температура 3—11 градусов. Местность холмистая, лесистая, с множеством минеральных и горячих источников. Когда изредка по ночам выпадает снег, обезьяны чувствуют себя уютно: можно погреться рядом с источником.

ОБЕЗЬЯНЫ-ЖИВОПИСЦЫ

В Нью-Мексико (США) за крупную сумму были проданы две картины, которые «в свободные часы» нарисовали гориллы из зоопарка. Покупателями картин явились известные бизнесмены этого штата, которые считают, что стоимость таких «произведений искусства» будет возрастать. По мнению специалистов, эти обезьяны картины мало чем отличаются от творений абстракционистов. Зоопарк же охотно поощряет хобби своих питомцев, так как средства от продажи плодов их творчества идут на улучшение питания обитателей зоопарка.

Подготовила З. ИСАКОВА.

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

РАЗМЕСТИТЕ свою рекламу или объявления в газете «Ватанпарвар» 7.00 до 18.00

Адрес: ул. КУРАЕВА 23
Тел: 56-54-76
(ориентир отель «Гранд Мир», бывшая гостиница «Россия»)

КУПЛЮ
● Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 27 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари

учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 АҚШ доллари 984.61
1 евро 1238.25

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ДЗЮДО

АБДУЛЛА ЯНА БИРИНЧИ

Россия пойтахти Москва шаҳрида дзюдо бўйича «Гран-при» туркумига кирувчи супер «А» таснифдаги халқаро турнирда ўзбекистонлик спортчилар — Абдулла Тангриев, Шокир Мўминов, Санжар Зокиров, Мурод Холиқулов, Уткир Қурбонов, Владимир Перетейко, Воҳид Нўраев фаол иштирок этди.

Турнирда Атланта Олимпиадаси совриндори А. Багдасаров бош мураббийлик қилаётган терма жамоамиз биттадан олтин ва кумуш медалга эга бўлди.

А. Тангриев вази тоифасида беш марта гиламга чиқиб, барча рақиблари курагини ерга тегишти ва мусобақанинг олтин медали билан таъдирланди. Энди мухлису мутахассислар Абдулла полвондан шу йил Афинада бўладиган Олимпиада ўйинлари медалини кутади.

Иқтидорли дзюдочи Шокир Мўминов финалгача кетган тўрт баҳса рақибларидан устун келди-ю, асосий учрашувда кореялик спортчи имкониятни бой бериб, кумуш медал билан қифланди.

● ЮНОН-РУМ КУРАШИ

ЖИДДИЙ ҲОЗИРЛИК КУРИЛМОҚДА

Жорий йилнинг 31 январь — 2 февраль кунлари Россия пойтахти Москва шаҳрида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир ташкил этилади.

Айни пайтда юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Камол Холматов, жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, Осиё чемпиони голиби Ас-

лиддин Худойбердиев, Руслан Биктяков, Дмитрий Докторавили ҳамда Евгений Ерофайлов мусобақага жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Москвадаги ушбу турнир ўзбекистонлик курашчилар учун Олимпиада ўйинларига йўланма берувчи Осиё чемпионати олдида жиддий ўнв-машгулот йигини вази-фасини ўтайди.

● ТЕННИС

ДЭВИС КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ

Жорий йилда теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси олдида жиддий мусобақалар турибди. Айни пайтда теннисчиларимиз эркаклар ўртасида ўтказиладиган Дэвис Кубоги баҳсларига ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси ушбу мусобақанинг Осиё-Океания минтақаси 1-туруҳида Хитой Тайпейи теннисчиларига қарши қорғат қиқади. Маълумотларга қара-

ганда, юртимиз шарафини амалдаги Осиё чемпиони, мамлакатимизнинг биринчи рақамли ракеткачиси Вадим Купченко, иқтидорли теннисчилар Дмитрий Мазур, Мурод Иноятов ва Сарвар Икромов ҳимоя қилади. Баҳс 6—8 февраль кунлари Хитой Тайпейида ташкил этилади.

Зоҳир ТОШХУЖАЕВ,
ЎЗА мухбири.

● МИНИ-ФУТБОЛ

ФАХРИЙЛАР БАҲСИ

Тошкентдаги МХСК спорт мажмуида «Соғлом турмуш таъби» ширини остида фохрийлар ўртасида мини-футбол бўйича турнир ташкил этилди. Мусобақада олти жамоа голиблик учун куч синишти.

Барча жамоаларни орта қолдирган Ўзбекистон фут-

бол федерацияси ва Мудофаа вазирлиги жамоалари финалда беллашди. Мудофаа вазирлиги жамоаси устидан 9:6 ҳисобида зафар кучган футбол федерацияси фохрийлари турнирининг бош совринини қўлга киритди.

Қаҳрамон ҚАРШИЕВ,
(ЎЗА).

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

8 февраль в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат қиламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этой передаче тележурналисты Военной студии проведут «круглый стол» по вопросам военно-патриотического, духовно-нравственного воспитания воинов-узбекистанцев в частях и подразделениях Министерства обороны с участием представителей различных государственных и общественных организаций. Авторы подготовят и видеоряд сюжетов в постоянных рубриках передачи.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 10 февраля, в 16.55.

Наш корр.


ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 9

ПО ЦЕПОЧКЕ: 1. Несси. 2. Инок. 3. «Кама». 4. Аура. 5. «Анапа». 6. Актис. 7. Воляк. 8. Жмот. 9. Таро. 10. Омлет. 11. Танго. 12. Овал. 13. Лого. 14. Одра. 15. Агака. 16. Автал. 17. Лига. 18. «Атас». 19. Сыск. 20. Казан.

ПО БОЛЬШОМУ КРУГУ: 21. Асептика. 22. Атос. 23. Сок. 24. Канаду. 25. Умка. 26. Агами. 27. Испанец. 28. Цитата. 29. Аркада.

ПО МАЛОМУ КРУГУ: 30. Анна. 31. Арва. 32. «Анда». 33. Арго. 34. Овод. 35. «Друг». 36. Гора. 37. «Аса».

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 3. Животное из семейства оленей. 9. Продукт питания. 10. «Зеленый» (син.). 11. Документ для библиотеки. 14. Административно-территориальная единица в Монголии. 15. Ценная промысловая рыба. 16. Солдат во флоте. 20. Дополнительный тон. 21. Понятие административного наказания. 23. У него день рождения. 24. Пацц. 26. Крупный сибирский олень. 28. Летчик. 29. Томление. 34. Музыкальный рассказ, полный сельской идиллии. 36. Дипломатический представитель. 37. Овечья шкура. 38. Часть города.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Спортивная командная игра. 3. Стекланный сосуд. 4. Музыкант. 5. Болезнь. 6. Предоплата. 8. Скульптурное изображение человека. 12. Перевязь с гнездами для ру-

жейных патронов. 13. Большая ложка (разг.). 14. Краткое изречение. 17. Ткань, покрытая или пропитанная непромокаемым составом. 18. Воспитательница из иностранок. 19. Надсмотрщик за охотничьими собаками. 22. Небольшой рисунок в красках. 25. Житский стаж. 27. Опросный лист. 30. Основная часть слова. 31. Чешский писатель. 32. Язык, понятный компьютеру.

ПО ДУГАМ П ЧАСОВОЙ СТРЕЛКЕ: 2. Вооруженные силы (устар.). 33. Команда.

ПО ДУГАМ ПРОТИВ ЧАСОВОЙ СТРЕЛКИ: 7. Право и возможность распоряжаться. 35. Рассказ с нравучением.

Составила З. ИСАКОВА.

АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

ОВЕН. Может появиться шанс продвигаться по карьерной лестнице. У вас появится немало способов добиться желаемого. Многого можно добиться исключительно своим трудом. Нежелательно затевать споры и конфликты, лучше мириться с выпадками недоброжелателей. Стоит отдохнуть подальше от дома, желательно сменить обстановку.

ТЕЛЕЦ. Стоит удвоить энтузиазм на работе. Начальство ожидает ответственного шага, не разочаруйте. С изменением обязанностей произойдут сдвиги в области оценки труда, не пренебрегайте открывающимися перспективами. Можете получить необходимую для себя информацию, ответы на заданные когда-то вопросы, постарайтесь разумно ею распорядиться.

БЛИЗНЕЦЫ. В начале недели могут успешно пройти деловые переговоры, они позволят стабилизировать уровень благосостояния. На работе лучше не проявлять излишней активности и инициативы, это может вызвать зависть и кривотолки. Светлую голубу могут посетить самые разно-

образные идеи, вряд ли удастся долго усидеть на одном месте.

РАК. На этой неделе поймете, как лучше справиться с проблемами. Появится возможность отправиться в небольшую поездку. При общении с деловыми партнерами могут возникнуть неожиданные ситуации, которые повлекут совсем нешаблонные действия со стороны партнеров. Советы, данные родственникам, будут весьма своевременны и могут помочь им улучшить состояние своего здоровья.

ЛЕВ. От ответственности и осознанного отношения к делу зависит успех в ближайшем будущем. Отношения с деловыми партнерами продолжают оставаться значимыми. Ситуация позволит упорядочить деловые связи и корректировать недельную нагрузку на работе. Атмосфера душевного комфорта позволит немного поделиться. Может посетить интересная идея.

ДЕВА. Неделя полна активности, неожиданных встреч и благоприятных обстоятельств. Будете интенсивны в стремлениях и непреклонны в проявлении собственной воли. Близким людям захо-

чется хоть в чем-нибудь помочь в продвижении к желаемым целям. Может посетить разочарование. Но следующий день поднимет настроение.

ВЕСЫ. Придется разгрести рутину. На что раньше не хватало сил, следует привести в порядок. Для каждой вещи и задачи найдется необходимое место и время. Будет трудно, однако награда не замедлит явиться, для начала — в виде чувства морального удовлетворения. Не будет недостатка в новых идеях.

СКОРПИОН. Может понадобиться осторожность, терпение и определенная доля веры. Появится благоприятный шанс использовать дружеские связи или поменять работу. Для этого придется приложить максимум усилий. Остерегайтесь людей, способных поколебать вашу точку зрения. Не влезайте в конфликты на работе и не ведите длительных дискуссий с начальством.

СТРЕЛЕЦ. Азартное настроение в начале недели может смениться на деловой настрой в ее середине. Стоит заняться укреплением партнерских отношений. Лучше с достоинством уступить началь-

ству, чем препираться и упрямоствовать.

КОЗЕРОГ. Авторитет остается непререкаемым. Сотрудники и руководство постараются пойти навстречу, создать благоприятные условия для работы. С возвращением долгов, а также подтягиванием «хвостов» в делах лучше не затягивать. Постарайтесь быть предельно внимательным с документацией, чтобы не допустить искажений и ошибок. Будьте осторожны в высказываниях.

ВОДОЛЕН. Почувствуете вкус к новым увлечениям, а с ними в жизни появятся и новые знакомые. Начнете преобразовать пространство вокруг себя, причем в лучшую сторону. Добьетесь положительных перемен сразу по нескольким направлениям.

РЫБЫ. Можете стать заметной фигурой у себя на работе. Навыки и опыт будут полезны сотрудникам, легко завоеуете признание. Есть два пути: нужно или очень много работать в разных областях, чтобы стать незаменимыми, или не работать вообще, чтобы вас об этом пришлось попросить. Встречу с друзьями лучше запланировать на пятницу.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмухаммад
АБДУКАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Обуна бўлими — 56-03-46.

Маълумот, реклама — 56-54-76.

Факс (3712) — 56-07-80.

Тахририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.

Газета Ўзбекистон Магбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмаҳонасида чоп этилди.